

ОИЛА БЕКАСИННИНГ КУНДАЛИГИДАН

БАХТНИНГ ЎЛЧОВИ

2019 йил июнь. Мана, неча ойдирки, ота-онамдан йироқда, Чирчиқ шаҳридан минг километр узоқда – Қорақалпоғистон Республикасининг Нукус шаҳрида яшаяпман. Тошкентдан поездга чиқар маҳалим, онам билан хайрлашаётиб ҳам қанчалар узоқ масофага кетаётганлигимни англамаган эдим. Аммо ўша кун поезд ўз жойидан қўзғалиб, дашту биёбонлар оша бошлаганимиздан кейингина, мен ота-онам бағридан узоқлашаётганимни тушундим. Ортимдан қолаётган йўлларни соғинишимни англадим. Поезд эса бир маромда чайқалиб-чайқалиб кетиб борарди. Сирдарё... Жиззах... Самарқанд... Бухоро... йўлларнинг ҳеч адоғи кўринмайди. Поезд ойнасидан куёш ботишини кузатиб, хаёлларга чўмган маҳалим, жудаям яқин нафасни, яқинларимдан йироқларга кетаётган бўлсам-да, ҳамisha ёнимда бўладиган инсонимнинг илиқ нафасини ҳис этдим. Оғир хаёллар бир зумда тарк этди-ю, кўнглим хотиржам тортди. Қўлларимдаги меҳр тафтидан ёлғиз эмаслигимни англадим...

2020 йил июль. Ёз фаслининг тонги ёқимли-да. Майин шабада юзингизни эркалаб уйғотади. Эрта тонгнинг хаёллари ҳам бошқача. Кечаги кунни ўйлайсиз. Бугуннинг режаларини тузасиз. Ёнгинамда жажжи чақалоғим Иродабону ширингина бўлиб ухляпти. Унга ҳам ёзнинг майин шабадаси хуш ёқяпти. Болажоним-а, Аллоҳимнинг гўзал мўъжизаси...

Чирчиқни соғиндим. Қайдам, Чирчиқ тонги бошқача эдимиз... Ҳа, Чирчиқ тонглари бошқача эди. Унда онамнинг овози эшитиларди. Онамнинг ифори тараларди. Кўзларимни очганимда, меҳрибон онажонимнинг жамолини кўриб уйғонардим, меҳрини ҳис қилардим. Эҳ, онажонимни шунақа соғиндимки...

Балиқчи туманининг Олимбек қишлоғида энам бўларди. Отам ҳарбий хизматга борганларида, энамни ёқтириб қолиб, қишлоғига олиб келган эканлар. Энам кабардин миллатига мансуб, олис Кавказнинг гўзал Хадижаси эди. Мени шу энам катта қилган. Эсимда, 6 ёшли қизалоқ эдим. Бир куни энам кабардин тилида куйланган алёрни тинглаб, йиғлагани ёдимда. Эшик олдида энамнинг бу ҳолатидан ҳайрон қараб турсам, «кел, улим» (энам негадир ҳаммамизни, қизми-ўғилми улим дер эдилар), дея бағрига босдилар. Кейин «Кўшиқ соғинч ҳақида. Диёримни соғиняпман. У ерда онамнинг қабри бор, синглим Аминат қолган!» дедилар чуқур хўрсиниб. Мен эса кўзларим мўлтираб «Нега кетмайсиз, эна?» деганимда у «ах, болам-а, юрак парчаларим ахир шу ерларда-ку!» деб мени янаям қаттиқ кучоқлагандилар.

Қизим ҳамон пишиллаганча ухляпти. Менинг митти юрагим парчаси, гўзал болажоним! Турмуш ўртоғим – қалбим султони! Ҳа, бугун Чирчиқни жудаям соғиняпман. Лекин менинг ҳам юрак парчаларим ёнимда эканлиги қалбимга таскин беради. Ахир оилам – энг катта бахтим.

Айни вақтда ёзув столида кундалигимга шуларни қоралаб ўтирибман. Қуёш эса менга «ўрнингдан турақол!» деб назар ташляпти. Демак, туриб, нонушта тайёрлайман. Ахир юрт химоячиси бўлган султонимни ишга кузатишим керак...

Шоҳиста АБДУРАҲМАНОВА